

---

“Аёллар ва ёшлар дафтарлари” даги ишсиз хотин-қизлар Янги йил байрами арафасида янги тикув машиналарига эга бўлди

Янги йил байрами арафасида Ўзбекистон туманида “Аёллар ва ёшлар дафтарлари” даги 65 нафар хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди. Маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчиларининг кўмаги ва тавсияси билан уларга замонавий тикув машиналари субсидия асосида бепул топширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган бугунги учрашувда туман ҳокимининг ўринбосари Муслимбек Аҳмедов, камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими мутасаддилари, маҳалладаги ҳоким ёрдамчилари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар барчани байрам билан муборакбод этиб, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган, эҳтиёжманд ҳамда бандлиги таъминланмаган хотин-қизлар давлатимизнинг доимий эътибор ва ғамхўрлигида эканлигини таъкидладилар.

Ўз ўрнида хотин-қизлар вакиллари давлатимиз раҳбарининг бундай эътиборидан беҳад мамнунликларини изҳор этдилар.

2024-12-27 12:04:41